УзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Гос. книжная палата УзССР

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ИИВ

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 1—2
(2642—2643)
1994 ЙИЛ
7 ЯНВАРЬ
ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

## Халқ тинчлиги ишончли қўлларда

Ассалому алайкум, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов!

Халқимиз асрлар бўйи ўртаниб, орзу этган мустақилликка эришди. Она тупроғимиз оёғимиз остига, она тили забонимизга, иймон-эътиқод қалбимизга, ғурур кўксимизга қайтаётганидан бошимиз осмонда юрибмиз. Сизни мустақиллик асосчиси ва қаҳрамони, деб биламиз.

Муҳим ютуқларимиздан бири — миллий тотувликнинг барқарорлигидир. Бунда, Сизнинг, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, ҳиссангиз бекиёсдир. Сизнинг шахсан ташаббусингиз билан бошланган уюшган жиноятчиликка қарши кураш бугунги кунда ўз мевасини беряпти. Шу туфайли вилоятимизда кўп йиллардан буён томир отиб ётган жиноятчи тўдалар қўлга олиниб, қонун йўли билан ўз жазосини оляпти. Шу ўринда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Шукрулло Рўзиматовнинг қатъиятлиги, довюраклиги, тезкорлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўтган йил 14 декабрда вилоят зангори экранида вилоят ИИБ ходимлари шу кеча-кундузда амалга ошираётган ишларини кўриб, ИИБ ходимлари шаънига яна тасаннолар айтдик. Тезкор тадбир натижасида Тошлоқ, Бувайда, Фарғона туманларида истиқомат қиладиган шахслардан 200 килограммга яқин наркотик модда мусодара қилиниб, йўқ қилиб ташланибди. Бу наркотик моддалар ўз вақтида зарарсизлантирилмай, "эгаларига" етиб борганида қанчадан-қанча одамларнинг саломатлигига зомин бўлиши аниқ эди. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш учун бир қанча жойларда ўқотар қуроллари тортиб олинибди. Бу ишларнинг ҳаммаси вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилаётгани биз, маҳалла аҳлини ғоятда қувонтирди. Яшашга иштиёқ туйғуларини уйғотди.

Бизнинг мамлакатимиз раҳбарияти ўзларининг беминнат, ҳалол ишлари билан эл-юрт орасида обрў-эътибор топаётганларидан хурсандмиз.

Халқимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда эканлиги бизни янада яхши меҳнат қилишга, келажакка ишонч билан яшашга ундайди.

Сизга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, эл-юрт осойишталигини сақлаш борасида олиб бораётган хайрли ва сермашаққат ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз! Ҳонобод қишлоғида истиқомат қиладиган бир гуруҳ кекса ва ёшлар номидан:

**Муҳаммад АБДУЛЛАЕВ,**
**Каримжон ФОЗИЛОВ,**
**Мадамин ОЛИМОВ,**
**Исоқжон ЭРГАШЕВ,**
**Содиқэшон ТЎРАЕВ.**

ТАНТАНАЛИ



ҚАСАМЁД

РЕСПУБЛИКА ИИВ Ички қўшинлари бўлинмаларидан бирида 1993 йилнинг кузида ҳарбий хизматга чақирилган ёшларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналари бўлиб ўтди.

Бўлинма ҳовлисига она Ватан ҳимоячилари, уларнинг ота-она ва ёр-биродарлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Ички қўшинлар бошқармаси вакиллари йиғилишди. Ҳақиқий ҳарбий хизматни бошлаётган йигитлар республикамиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Президентига содиқ бўлиш, ўзларининг ҳарбий ва сиёсий билимларини ошириш йўлида бор куч ва билимларини сарф этажакларини билдирдилар.

Аскарларни бўлинма сардори, полковник А. Караваев, Ички қўшинлар фахрийси С. Иванов ҳамда ота-оналар унутилмас кун билан муборакбод этишди.

Ҳозирда бу аскарлар республикамизнинг турли бурчакларида ўз хизмат бурчларини адо этмоқдалар. Биз уларга омонлик тилаймиз.

**Ҳабибулла ШОДИЕВ.**

**СУРАТЛАРДА:** тантаналардан лавҳалар.

**Муаллиф олган суратлар.**

**Ички қўшинлар зобит ва аскарларининг айни кунлардаги хизмат фаолиятига доир мақолалар билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.**

## ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

### *МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР...*

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 1-нон комбинатининг ишчилари Ҳ. Аҳатов ва Ф. Саидқуловларнинг нафси унча-мунча эмас экан. Улар бир эмас, икки эмас, балки 10 тонна унни ишхонаси-пирхонасидан ўмарган маҳалда, тўсатдан нафс балосига учраб қолишди. Нафс балоси уларни ўзлари кутган жойга етаклаб келгач, ёнар ўтга йўлиқдилар. Ҳозир жиноий иш ва тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

### *ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТ ИШ БЕРМАДИ*

Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги тайёрлов корхонасининг тайёрловчиси О. Раҳматовнинг ўз фойдасини ўйлаб тайёрлаган қалбаки ҳужжати антиқа каромат кўрсатди. Давлатнинг 1 миллион 607 минг сўмини ўзининг фойдасига ҳал қилишга асқотиши лозим бўлган мазкур қалбаки ҳужжатнинг сири ошкор бўлиб қолгач, ушбу иш юзасидан текширув бошлаб юборилди.

### *"АРМУҒОН" НИНГ АРМУҒОНИ*

Қорақалпоғистонлик дўкон мудири М. Сапаев давлат дўконидан сотилиши лозим бўлган 408 минг сўмлик 583 шиша "Армуғон" виносини уйидан ҳар шишасини 5 минг сўмдан ҳадя қилаётганида... ушланди. Чунки унинг мазкур "Армуғон" операцияси юзасидан жиноий иш қўзғатилди.

### *ТАБАССУМДАН АСАР ҲАМ ҚОЛМАДИ*

Бухоро темир йўл бекатида "Самарқанд — Москва" поезди йўқловчиси, Самарқанд шаҳридаги "Табассум" тижорат дўкони сотувчиси К. Ҳ.нинг ёнидан салкам 5 килограмм гиёҳванд модда (наша) топилгач унинг юзидаги табассумдан асар ҳам қолмади.

### *САРСОН ҚУВУРЛАР*

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги таъмирлаш-ишлаб чиқариш корхонасининг омбор мудири шу ишни қилмаганда ўзи ҳам, қувурлар ҳам сира сарсон бўлмасди. Чунки "Давринг келди, ўмариб қол", — қабилида иш тутган К. Раҳматуллаев давлатнинг 1 миллион 280 минг сўмлик қувур ва полиэтилен плёнкаларини ўз фойдасига ўзлаштириб олгач, унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Ш. РЎЗИЕВ, ИИВ Матбуот маркази нозири.**

## ИЖОДКОРЛАР ЭЪТИБОРИГА

***Ҳурматли қаламкаш дўстлар!***

*1993 йил давомида Республикамиз оммавий ахборот воситалари орқали Республика ички ишлар ходимларининг заҳматли хизматларини акс эттирувчи ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган кўплаб мақола, очерк, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар эълон қилинди.*

*Республика Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази ташаббуси билан ўтган йили эълон қилинган энг яхши материаллар танловини ўтказиш режалаштирилмоқда. Танловда мазкур мавзуда ижод қилган барча муаллифлар иштирок этишлари мумкин.*

*Ғолибларга **биринчи ўрин учун 100 минг сўм, иккинчи ўрин учун 75 минг сўм** ва **учинчи ўрин учун 50 минг сўм** миқдорда пул мукофоти берилади. Шунингдек, серқирра ва сермазмун ижод қилган яна бир қанча муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг **Фахрий ёрлиқлари** билан мукофотланади.*

*1993 йил мобайнида мазкур мавзуда ижод қилган муаллифлардан ўз мақола ва сценарийларини 1 ой муддат ичида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Матбуот марказига юборишларини сўраймиз.*

*Танлов ғолиблари февраль ойининг охирида аниқланади.*

***Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри***
***Наврўз кўчаси, 1-уй.***
***ИИВ Матбуот маркази.***

## *1994 йил — Оила йили*

***НИКОҲНИНГ ЯХШИСИ — МАҲРИ ЕНГИЛРОҚ БЎЛГАНИДИР.***

***НИКОҲ ТЎЙИДА БИР ҚЎЙ СЎЙИБ БЎЛСА ҲАМ ЗИЁФАТ БЕР.***

***НИКОҲ ИЛА ТУРМУШ ҚУРИБ, КЎПАЙИНГЛАР, ЗЕРО МЕН ҚИЁМАТ КУНИ БОШҚА УММАТЛАР ОЛДИДА СИЗЛАРНИНГ КЎПЛИГИНГИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН.***

(“Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари“дан).

# Н И К О Ҳ

Аждодларимиз никоҳ ўқитиб, турмуш қуриб келганлар, никоҳсиз дунёга келганларни мўмин-мусулмонлар тугул, бошқалар ҳам қоралаб келадилар, бунга мисол тариқасида ҳозирда намойиш қилинаётган кўп серияли “Оддий Мария“ телефильмини кўз олдига келтиришлик кифоядир.

Ҳозирги пайтда ўзбеклар орасида икки бор никоҳ қайд қилинади. Жумладан, биринчи бор никоҳ давлат ҳимоясига олинади. Бу никоҳга ҳозирда эҳтиёж борми? Бор, албатта.

Бироқ бундай никоҳни қайд этишликда оилаларда кўп қийинчиликлар юзага келади, кам-кўстини топишлик, одатга кириб қолган баъзи ҳолатларни бажариш лозим, чунки фалончининг никоҳида фалон қилинибди, деган маънода кўп уринишлар, сунъий равишда қийинчиликлар туғилади ва қарз-қаволага ботилади. Автомашиналар маркаларига қараб танланади, автосафлар тузилади. Ташкил бўлган сафнинг олдидаги автомашина ҳайдовчиси иш кўрган, вазиятни тушунадиган бўлса, манзилгоҳларига тинч етиб боришади. Агар сафнинг етакчи ҳайдовчиси енгилтакроқ, шошқалоқроқ бўлса-чи, ҳар қадамда хавфли вазият туғилади, манзилга етгунча сочингизга оқ тушади. Сафда ҳаракатланганда олдинда кетаётган транспортнинг тезлигидан орқадан келаётган транспортларнинг тезлиги икки баробар ортиб кетади.

Яхши ният билан даромад тўплаб, ўтказилган никоҳ маросимлари фожиа билан тугаганлигининг кўп бора гувоҳи бўлганман. Масалан, Андижон — Ўш йўлининг Завроқчеки маҳалласида никоҳ маросимида иштирокчи автомашина электр сим ёғочига урилганида бир неча киши шикастланган, Андижон — Шаҳрихон йўлида ясатилган автомашина капотининг устига ёпилган ёпқичи бўшаб кетиб, ҳайдовчининг нигоҳини тўсиб қолиши натижасида фожиали йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Андижон тумани, Хакан қишлоғида сафдан ортда қолган ҳайдовчи унга етиб оламан, деб катта тезликда кетаётиб пиёдани уриб юборган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Устига устак мўмин-мусулмонларнинг фарзандлари никоҳ ўқитмасдан бурун бир-бирлари билан етаклашиб юришини ноўрин деб биламан, ҳозир эса ҳаттоки куёвнинг уйига бориб ўтиришлар одат тусига кириб бормоқда.

Яқинда мен бир катта оила эгаси, обрўли акахонимни кўриб гаплашиб қолдим. У тўсатдан “мен иккита ўғлимни уйлантирдим, биласизми, ўзимизча никоҳ ўқитиб қўя қолдим“ деб қолди. Мен бу кишини ҳурмат қилар эдим, ушбу сўздан кейин менинг унга нисбатан муҳаббатим жуда ортиб кетди ва унга “сиз катта иш қилибсиз“ дедим.

Менинг фикримча, никоҳнинг бошқа турини топиш керак. Никоҳ пайтида Қуръони каримнинг “Нур” сураси тўла мазмуни билан ва оилага оид ҳадисларнинг мазмуни таништирилса, ёшларга никоҳ сўзининг ўзиёқ катта масъулият юклаши тушунтирилса, келажакда бу янги қурилаётган оила мустаҳкам оила бўлади деган умиддаман. Кўз олдингизга келтиринг, оилага табаррук ислом вакиллари аралашса, ўз ижобий самарасини бериши аниқ, албатта.

Юқорида баён этилганлар биргина менинг фикрим эмас, балки бир неча меҳнат жамоалари фикри. Улар мендан газета орқали мулоҳазаларимни билдиришимни илтимос қилишди. Мен бу илтимосни адо этаётганимдан хурсандман. Ҳукм чиқариш эса, сиз, азиз газетхонлар виждонига ҳавола.

**О. САЙНАЗАРОВ,**
**истеъфодаги милиция майори.**



# Иллат кичигидан бошланади

Машҳур Бағдод ўғрисига айримларнинг ҳаваси келаркан. Чунки у жуда уддабурон ва қўлга тушмаслардан экан-да. Бир куни унинг ёнига ўғри бўлишни орзу қилган ёш йигит келибди.

— Менга устозлик қилсангиз, сиздай машҳур ўғри бўлмоқчиман, — дебди у.

— Майли, фақат бир шартим бор, бир қўлингнинг ҳамма бармоқларини кесиб ташлайман, — дебди кулимсираб устоз.

— Нега?

— Чунки барибир бир куни қўлга тушасан, ўшанда бармоқларингни кесиб ташлайдилар.

Шу гапдан кейин йигит изига қайтиб кетиб, ҳалол меҳнат билан шуғулланган экан. Бу бир ривоят, албатта, лекин унда жиноят жазосиз қолмайди деган ақида бор. Дарҳақиқат шундай...

Дониёр Жалолов 1972 йили туғилган. 6 синф маълумотига эга. У “Балиқчи” хўжалигида балиқчилик касбида ишларди. Илгари ўғирлик қилиб судланган. Шу йигит 9 сентябрь куни тушга яқин ишдан маст ҳолда қайтаётиб хўжаликдаги билим юрти деворига суяб қўйилган велосипедга кўзи тушди. Нархи 25000 сўм турадиган бу “Урал” маркали велосипед Алижон Аҳмедовга қарашли эди. Дониёр уни уч минутда ўзиники қилиб ўзлаштириб олди. Сўнгра уни Кўргончада яшовчи А.Т.га 5 минг сўмга пуллаб юборди. Дониёр ишни хамирдан қил суғургандек осон ҳал қилдим, деб ўйлаб хато қилганди. Ички ишлар ходимлари тезда жиноятни очишди.

Яна бир жиноят содир қилган шахс — Жарас Тоғаев Охунбобоев номли қишлоқда яшайди. Жарас ҳеч қаерда ишлăмайди. У 10 июль куни синфдоши Таубой Илесбоев билан тил бириктириб, мол ўғирлашга қарор қилишди. Шу мақсадда “Янги ҳаёт” жамоа хўжалигининг даласига боришди. Далада аҳолининг кўплаб қорамоллари ўтлаб юрарди. Атрофда ҳеч ким йўқ. “Худо бериб қолди”, деган ўғрилар шошиб-пишиб Таубойнинг “Газ-53” русумли, давлат рақами 06-63 ТШП бўлган машинасига молларнинг иккитасини юклаб ғойиб бўлишди. Бу моллар шу атрофда яшовчи Тошев ва Дўсмуродовларга қарашли эди. Моллардан айрилган одамларнинг қай аҳволга тушганини тасаввур қилаверинг. Ахир, ҳозир битта молнинг нархи фалон пул.

Шундай қилиб, ўғрилар молларни эсон-омон Янгийўлгача етказдилар. Моллардан бирини янгийўллик Собиржон Абдураимова 132500 сўмга пуллашди. Иккинчисини эса ўша ерда яшовчи Муродхўжа Ҳодихўжаевнинг уйига ташлаб кетдилар. Албатта, кейинроқ, харидори чиқса пулламоқчи эдилар. Юқорида айтганимиздай, жиноятнинг барибир миси чиқади. Ички ишлар ходимлари бу жиноятни ҳам моҳирлик билан очдилар. Жарас билан Таубойлар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Хулоса қилиб айтиш керакки, биз юқорида ҳикоя қилган Дониёр сингари ёш йигитлар, агар бошда майда ўғирлик билан шуғулланган бўлсалар; кейинроқ Жарас ва Таубойлар сингари катта ишларга ҳам қўл уришлари эҳтимолдан узоқ эмас.

**Р. ХОЛИҚОВ,**
**Қуйичирчиқ тумани ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти.**

## *Сарҳисоб*

# ЎТГАН ЙИЛИМИЗГА БИР НАЗАР

Ўтган 1993 йилга назар ташлар эканмиз, содир этилаётган жиноятларнинг олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги бизни қувонтиради. Бу эса кейинги пайтларда ички ишлар идораларида туб ўзгаришлар бўлаётганлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати бошқармаси ходимлари ҳам ўтган йилда эришилган ютуқларга катта ҳисса қўшдилар.

Балоғатга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда, фоҳишабозлик, ўғирлик ва бошқа турли жиноятларга қарши курашда яхши кўрсаткичларга эришилди.

1993 йилнинг 11 ойи давомида участка вакиллари томонидан 2687 та жиноят очилди, қидирувда юрган 380 та жиноятчини ушлашга муваффақ бўлинди. Фуқароларнинг 7756 та ариза ва шикоят хатлари кўриб чиқилди. Шу вақт давомида турли хил маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган 81541 нафар шахс аниқланди. Уй-жойининг тайини йўқ, кўчаларда изғиб юрган шахслардан 5468 нафари қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига юборилди. Бу борада Мирзо Улуғбек туман ИИБ участка вакиллари жонбозлик кўрсатдилар.

Жиноятчиликнинг олдини олишда ташкилотлар ва корхоналар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши натижа берди. Маҳаллаларда, мактабларда, олий ўқув юртларида турли мавзуларда учрашувлар ўтказилди. Участка вакилларининг амалга ошираётган, қилаётган ишлари хусусида жамоатчилик олдида ҳисобот беришлари ҳам бундай ҳамкорликни янада кучайтирди ва жиноятчиликка қарши курашда яхши натижалар бермоқда.

Шаҳар ҳокимининг 1993 йил 17 майдаги 82-сонли қарорига асосан кўнгилли отрядлар ташкил қилинди.

Туманларда ташкил этилган бундай отрядларнинг фаолиятига ҳали кўп вақт бўлмасада, бугунгача уларнинг ёрдами билан 43 та жиноят очилди. 1232 нафар шахс ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди. Ҳар бир туман ИИБлар қошида тартибни муҳофаза қилувчи жамоат кенгашлари тузилган. Йил давомида улар ўз ҳудудларида ичкиликбозлар, ишламай юрганлар ва оилавий жанжалкашлар билан қатъий иш олиб бордилар.

Келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилди. Ўз фарзандлари тарбиясига совуққонлик билан қараб, ўзлари ичкиликка берилган 46 нафар ота-она жойлардаги туман халқ судларининг ҳукми билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ҳамза тумани ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаси ходимлари 16 нафар мана шундай ота-онани аниқлади. Мисол учун, 1952 йилда туғилган Ф. Саҳовиддинова ҳеч қаерда ишламаган, боласининг тарбияси билан мутлақо шуғулланмаган, унинг иши туман ҳокимлиги қошидаги ўсмирлар билан ишлаш комиссиясида кўриб чиқилиб, хатосини тузатиш учун унга икки ой муҳлат берилди. Бундан ўзига хулоса чиқариб олмаган Саҳовиддинова туман халқ суди томонидан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Яқинда ушбу туманда маҳаллалар қошида ўсмирлар билан ишловчи педагог ташкилотчилар штати йўлга қўйилди. Ўйлаймизки, келгусида туманда болалар тарбиясида яхши силжишлар юзага келади.

Шаҳар миқёсида ўтказилган “Ҳашар”, “Комплекс”, “Тун”, “Саломатлик”, “Ўсмир”, “Назорат-93” каби тадбирларда ушбу хизмат ходимлари ўз йўналишлари бўйича фаол иштирок этдилар. Улар ўзлари ишлаб чиқиб уюштирган “Заҳм”, “Бўрон-1”, “Бўрон-2” каби тадбирлар айниқса кўзланган натижаларни берди.

Айни пайтда пойтахт шаҳар ИИББ Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати жамоаси 1993 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаб, янги 1994 йилда ҳам жиноятчиликнинг олдини олиш йўлида бор куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

**Д. ЖЎРАБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси катта нозири, милиция подполковниги.**

*ХИЗМАТ ЖОЙИ — ИЧКИ ҚЎШИНЛАР*

# АСОСИЙ ТАЛАБ

Ҳарбий интизом нималигини хизматнинг биринчи кунлариданоқ билиб олдим. Мен яхши командирлар ва мураббийлардан ёлчидим. Улар аскар учун буйруқларни бажаришда аниқ-пухта бўлиш, устав талабларининг ҳаммасини сўзсиз ижро этиш қанчалик муҳим эканлигини тушунтирдилар.

Бугунги кунда тажрибали аскарга айланган пайтимда мен учун интизом аниқ ва мажбурий мазмун касб этади.

Сафда, соқчиликда, даладаги машғулотлар пайтидаги интизом. Ҳар қандай ҳолда ҳам у мен ва ўртоқларим учун қонун. Биз аскарларни жипслашган ва жанговар жамоага айлантирадиган, қанот бағишлаб ғалабага элтадиган куч ана шу интизомдир.

Армияни, унда хизмат қилишни, жанговар меҳнатда муваффақиятни интизомсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мисол учун, аскар жанговар буйруқни бажаришда бир неча сония кечикса, хизматдошларининг ҳаёти, уларнинг куч-ҳаракатлари, уларга топширилган иш хавф остида қолади.

Аскар сафда ивирсиб қолса, бир бутун маром бузилади.

Ҳамма ишда ҳам ана шундай. Ҳамма ерда ва ҳар доим уюшқоқлик ва тиришқоқлик аскарлар жамоасининг жанговар қобилияти юксак даражада бўлишини таъминлайдиган бирдан-бир шартдир.

Бўлинмамизнинг кўзга кўринарли жойида "Бизнинг аълочиларимиз" стенди қўйилган. У ҳарбий интизомга амал қилишда намуна бўлаётган аскарларга бағишланган. Стенддан хизматдошларимнинг таниш, мен учун азиз фамилиялари ўрин олган. Айни ҳамма нарсада интизомлилик ва тиришқоқлик менинг ўртоқларим — кичик сержант П. Раҳимов, оддий аскарлар Д. Синдоров, Б. Қулмуҳамедов, М. Ҳайдаров, Ш. Анорбоев ва бошқаларга жанговар хизмат ва ўқув илғорларига, ҳарбий ихтисос усталарига айланишда ёрдам берди. Чунки улар энг қийин топшириқларни бажаришга тиришадилар, машғулотларда ўқув нормативлари ва машқларни сабот билан бажарадилар, аҳвол қийин бўлган жойга интиладилар.

Айни шу сабабли бу аскарлар армия жамоамизда энг яхши аскарлар бўлиб қолдилар. Улар билан фахрланадилар, улардан ўрганадилар.

Очиғини айтиш керак: бўлинмамизда устав талабларини бузадиган, интизомсизликка йўл қўядиганлар топилиб қолади. Улар ҳарбий хизматда муҳим ва иккинчи даражали ишлар бор деб ҳисоблашади. Шунинг учун баъзан интизомни бўшаштириш мумкин эмиш. Ўт очиш маррасида танбеҳ олинмаса бўлди экан.

Шундай ўйлайдиган айрим аскарлар "майда-чуйда"ни бундай назар-писанд қилмаслик қандай мушкуллик туғдиришини унутиб қўядилар.

Синовлардан ўтган ва кучли ҳамда маккор душманни енгган фронтчиларнинг тажрибаси сабоқ беради: аскар ҳар доим ва ҳар вақт пухта ва тиришқоқ бўлиши керак. Акс ҳолда у мағлуб бўлади.

Ҳозирги армия амалиёти ҳам ҳар бир ҳарбий хизматчининг интизомга амал қилиши зарур ва муҳим эканлигини яққол тасдиқлайди. Унга риоя қилмайдиган кишилар қалтис хатога йўл қўядилар, агар унга ўз вақтида эътибор берилмаса, хато жуда қимматга тушиши мумкин.

**К. ЮСУПОВ,**
**оддий аскар.**

## МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар бошқармасида қисм командирлари ва уларнинг шахсий таркиб бўйича ўринбосарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда 1993 йилда жанговар хизмат фаолиятининг ва қўшинларда ҳарбий интизомнинг аҳволи ҳамда қисм командирлари ва уларнинг шахсий таркиб ўринбосарларининг тарбия бўйича жараёни таъсирчанлигини ошириш бўйича вазифалари муҳокама қилинди.

Йиғилганлар олдида республика ИИВ Ички қўшинлар бошқармаси бошлиғи, полковник Х. Ҳожиматов маъруза қилди. Унда қўшинларда шахсий таркибни ҳарбий ва ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашга, Ўзбекистон халқларининг анъана ва урф-одатларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатни тарғиб қилишга катта эътибор берилаётгани таъкидланди.

Зобитлар Н. Агасиев, К. Алиев, В.Мамо, Б. Фроловлар бошчилик қилаётган аскарлар жамоаси ўтган давр ичида жанговар хизматда юқори натижаларга эришдилар. Бўлинмалар зобитларининг ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик, аскарлик бурчи ва ор-номуси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ички қўшинларида хизмат қилишдан фахрланиш туйғусини шакллантиришга қаратилган собитқадам фаолиятлари муваффақият қозонишга катта ёрдам берди.

Айрим ҳарбий хизматчилар томонидан Устав қоидалари бузилишига йўл қўйилган бўлинмалар командирларининг ишидаги камчиликлар ҳам таъкидланди.

"Ҳозир барча лавозимдор шахслар олдиларига қўйилган вазифаларни бажариш учун масъулиятларини оширадиган пайт етиб келди. Бугунги куннинг долзарб эҳтиёжи — тарбия ишида янги шаклларни излашдан, уларни бажариш учун шахсий таркибни сафарбар қилишда самарадор ёндашувларни топишдан иборат", — деб таъкидлади маърузачи.

Кенгаш давомида қўшинларда тарбия ишини янада такомиллаштириш, уни режалаштириш, ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

## КЕЧА ҲАММАГА ЁҚДИ

Капитан Р. Қурбонов командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қиладиган бўлинманинг фаоллари ўз олдиларига аскарларда жўшқин ҳаётий кўникмани тарбиялаш вазифасини қўйишмоқда. Муайян даврга мўлжалланган оммавий-маданий тадбирлар режасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда эришган муваффақиятлари, кекса авлодларнинг қаҳрамонона ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи тематик кечаларга, ўлканинг донгдор кишилари билан учрашувларга каттагина ўрин ажратилган.

Айрим тадбирларни ўтказишда қийинчиликлар юзага келиб қолса, фаоллар ёрдам сўраб маҳаллий хокимият ва маданият муассасаларига мурожаат қиладилар. Улар доимо ёрдам беришини яхши биладилар.

Чунончи, яқинда зобит А. Дулатов, прапоршчик А. Шарипов, оддий аскарлар С. Ўролов, И. Рустамов, И. Турсуновларнинг саъй-ҳаракатлари билан бўлинмада "Ўзбекистон — менинг Ватаним" кечаси ўтказилди.

Фаоллар аскарлар клуби тегишли тарзда безатилиши тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Ана шу мақсадда клуб деворларига сермазмун шиорлар, плакатлар илиб қўйилди.

Сўзга чиққанлар ижтимоий ҳаётда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, халқимиз фаровонлигини яхшилаш бўйича Президент И. Каримов олға сурган шартлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Сўнгра "Замондош" бадиий жамоаси концерт қўйиб берди. Бўлинма бадиий ҳаваскорлари ҳам четда туришмади. Сержант Д. Обидов ижросидаги машҳур "Фарғонада биттагина" ашуласи ҳаммани қойил қолдирди.

Ўтказилган кеча ҳарбий хизматчиларга ўзларини халқ билан бирдам деб ҳис этишлари, ўз Ватанлари — Ўзбекистон билан фахрланишлари учун имкон яратди.

Бу ердаги тарбия ишининг таҳлили аскарларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш уларнинг фикр доирасини кенгайтиришини, уларни бош вазифани англашга — аскарлик бурчини ва ҳарбий қасамёд талабини бажаришга сафарбар қилишини кўрсатди. Бўлинма фаоллари бундан кейин ҳам ана шундай иш тутишга аҳд қилдилар.



Унутилмас лаҳзалар !

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

# ОТА-ОНА ЎГИТИ-ҚУВВАТ

Ўғилларини армия сафига жўнатишаркан, Фарҳод ва Бибижон Ҳожимуродовлар унга шундай деб насиҳат қилдилар:

– Бизнинг шаънимизга иснод келтирма, ўғлим. Аскарлик бурчингни виждонан бажар.

Оддий аскар Ҳожимуродов ҳам бошқаларга ўхшаб аввалига ҳарбий хизматни ўрганишда қийналди. Лекин у тиришди. У ҳарбий ишни эгаллаб олиш, Ватан олдидаги ўз бурчини қасамёд буюрганидек, ота-она насиҳат қилганидек бажариш иштиёқи билан тўлган эди.

...Отиш майдонига бораётган аскарлар чангга ботишди. Шамол эса бошлагани баъзиларни тараддудга солиб қўйди. Ўқ отиш марраси олдида кўплар иккиланиб туришарди. Оддий аскар А.Елмуханов шундай деди: "Бундай ҳавода мўлжаллаб отишга ҳожат ҳам йўқ. Барибир ҳеч нарса кўринмайди. Ўқлар нишонга тегмайди".

Сержант Ҳожимуродов шу заҳоти унинг сўзини бўлди:

– Наҳотки душман биз учун қулай бўлган шароитни танласа? Ҳамма нарсага тайёр бўлишимиз керак. Менга рухсат беринг, ўртоқ прапоршчик...

Командир бошини ирғитди ва буюрди:

– Сержант Ҳожимуродов! Жангга!

Тер кўзга қуюлади. Қизғинлик юзни терлатади. Лекин шамолу чангга эътибор бермай Умербой нишонга мўлжаллаб отди. Кичик командирдан сўнг қолган жангчилар ҳам машқни муваффақият билан бажардилар. Ўқувнинг қиш даври якунлари бўйича сержант Ҳожимуродовнинг взводи жанговар хизмат ва ўқувда олға қараб катта қадам қўйди. Жангчилар ҳозир, янги ўқув йилида ҳам суръатни пасайтирмаяптилар. Бунда взвод командири ўринбосари Умербой Ҳожимуродовнинг ҳам каттагина хизмати бор. Хизмат ва ўқувдаги шахсан ўрнаги билан у бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштирмоқда.

# ИШИ БИЛАН СЎЗИ БИР

Ҳарбий шаҳарча уйқуга чўмган, казарма хоналаридаги чироқлар ўчган. Лекин роталардан бири девонхонасининг деразасидан ёруғлик таралади. Бу ерда катта прапоршчик Карим Байшев қоғозларга кўмилиб ўтирибди. У — бўлинма прапоршчиклари кенгаши раиси, эртага шахсий таркибнинг умумий йиғилиши ўтказилиши керак. Кун тартиби белгиланган, муфассал маъруза тайёрланган, лекин у муҳокама қилиниши мўлжалланган масалалар устида қайта-қайта бош қотиради.

Бирор муҳим жиҳат эсдан чиқариб қолинмадимикин? Раис ўйлайди, таҳлил қилади. Сокин тунда фикрни бир ерга жамлаш мумкин.

Прапоршчиклар кенгаши катта эмас — бор-йўғи беш кишидан иборат. Асосий вазифа — муддатдан ташқари хизматда қолган прапоршчик ва ҳарбий хизматчиларни хизмат вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш, уларнинг кундалик ҳаётда шахсан намуна бўлишларини таъминлаш, улар билан якка тартибда-тарбиявий иш олиб бориш, ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш.

Раис ҳамма жиҳатлардан олганда ўз хизматдошларига ўрнакдир. У хизмат бурчини доимо ўринлатиб бажаради. Соқчиларга бошлиқ бўлган пайтида катта прапоршчик Байшев албатта уларга йўриқнома беради, соқчиларни бир неча марта йўқлама қилади, тунги пайтда ва ёғингарчиликларда албатта постларни айланади, аскарлар ўз бурчларини қандай тушунишларини текширади, ҳар бири билан суҳбатлашади.

У соқчилар орасида тарбиявий иш олиб боришга катта аҳамият беради. Карим Исҳоқович ташвиқотчилар ишини назорат қилиб боради, "Халқ сўзи", "Постда" газеталарини мутолаа қилиш ва улардаги мақолаларни муҳокама қилишни ташкил этади, кўп аскарлар билан шахсан суҳбатлашишга имкон топади. Бошлиқнинг тиним билмай ишлаши сабабли ҳам у бошқарадиган соқчилар ҳар доим "аъло" баҳо олишига ажабланмаса ҳам бўлади.

Ҳарбий хизматчилар Карим Исҳоқовични бўлинма прапоршчиклар кенгаши раиси этиб иккинчи марта сайладилар. Бўлинма командири майор Ш. Чиналиев аскарлар жамоасининг ижтимоий уюшқоқлиги фаол эканлигини, улар собитқадам ишлаётганини қайд этади. Кенгаш аъзолари – прапоршчик Э. Клейн, муддатдан ташқари хизмат қилаётган сержантлар Ф. Акбаров, Я. Топская, Ф. Сунчелеева ҳар доим аскарлик бурчини бажаришда шахсан ўрнак бўлмоқдалар, юқори даражада масъулият ҳиссига эгадирлар. Айтмоқчи, бунда ҳам раиснинг хизмати катта. У кенгашнинг ҳар бир аъзоси доимий топшириқларга эга бўлиши ҳақида қайғуради, уларнинг шахсий таркиб олдида ҳисобот беришлари доимий тус олди.

Ёшлар билан ишлаш раиснинг алоҳида эътибор марказида. Масалан, назорат-ўтказиш пункти бошлиғи прапоршчик М. Эшбоев танбеҳ олди. Маълум бўлишича, у ҳарбий шаҳарчадан чиқаётган автоуловни ёзма ҳисобга олишни унутган экан.

Катта прапоршчик Байшев у билан узоқ суҳбатлашди. Хизматда майда нарса бўлмайди. Суҳбат изсиз кетмади. Маҳмуд ҳозир ўз вазифасини аниқ-пухта бажаришга тиришмоқда.

...Девонхонадаги чироқ яна тонггача ёниб чиқди. Йиғилиш бўлиб ўтди, унда янги қарор қабул қилинди. Энди эса раис уни қандай қилиб амалиётга татбиқ этиш ҳақида ўйламоқда.

Хизматдошлар яхши билишади – катта прапоршчик Карим Байшевнинг сўзи билан иши бир ердан чиқади.

**Саҳифани катта прапоршчик Ш. КАРИМБОЕВ тайёрлади.**

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

За законность и правопорядок!

# На посту

ИЗДАТЕЛЬ-КОЛЛЕГИЯ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН










# 1994

| | ЯНВАРЬ | ФЕВРАЛЬ | МАРТ | АПРЕЛЬ |
|---|---|---|---|---|
| Д | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 |
| С | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 |
| Ч | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 |
| П | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 |
| Ж | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 |
| Ш | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 |
| Я | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 |

| | МАЙ | ИЮНЬ | ИЮЛЬ | АВГУСТ | СЕНТЯБРЬ | ОКТЯБРЬ | НОЯБРЬ | ДЕКАБРЬ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Д | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 |
| С | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 |
| Ч | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 |
| П | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 |
| Ж | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 |
| Ш | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 |
| Я | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 |

